




СБОРНИК ТЕЗИСОВ

**МЕЖДУНАРОДНОЙ НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКОЙ КОНФЕРЕНЦИИ:
«СОВРЕМЕННЫЕ ТЕНДЕНЦИИ
РАЗВИТИЯ ИНФЕКТОЛОГИИ,
МЕДИЦИНСКОЙ ПАРАЗИТОЛОГИИ,
ЭПИДЕМИОЛОГИИ И
МИКРОБИОЛОГИИ»**

4-5 апреля
2023 года
Ургенч



Министерство здравоохранения
Республики Узбекистан

Ташкентская медицинская академия

Ургенчский филиал Ташкентской медицинской академии

Международная общественная организация
«Евро-Азиатское общество по инфекционным болезням»

Министерство здравоохранения
Республики Каракалпакстан

Федеральное бюджетное учреждение науки
Московский научно-исследовательский институт
эпидемиологии и микробиологии имени Г.Н. Габричевского

**Сборник тезисов международной
научно-практической конференции
«Современные тенденции развития
инфектологии, медицинской паразитологии,
эпидемиологии и микробиологии»**

4-5 апреля 2023 г.

Город Ургенч



БОЛАЛАРДА ГЕМОКОЛИТ СИНДРОМИ БИЛАН КЕЧУВЧИ ЎТКИР ИЧАК ИНФЕКЦИЯЛАРИНИНГ ЭТИОЛОГИК ТАШХИСОТИДА ПЦР УСУЛИНИ ҚЎЛЛАШ НАТИЖАЛАРИ (АНДИЖОН ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)

Таджиева Н.У.^{1,3}, Мирзакаримова Д.Б.², Қосимов У.М.², Анваров Ж.А.³

¹Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт маркази, ²Андижон Давлат тиббиёт институти, ³Тошкент тиббиёт академияси

Долзарблиги. Диарея билан кечувчи касалликлар соғлиқни сақлаш тизимининг муҳим глобал муаммоларидан бири бўлиб, беш ёшгача бўлган болалар орасида ҳар йили 1,7 миллиардга яқин касалланиш ҳолатлари қайд этилади ва улардан ярим миоллионига яқинида эса ўлим қузатилади (ЖССТ, 2018; Troeger S. et al., 2017). Ўткир ичак инфекцияларини этиологик ташхислашда ПЦР текширувининг ривожланиши, ўткир диарея этиологик сабабалари тўғрисидаги бизнинг тасавурларимизни кенгайтиради (Ермоленко К.Д., 2015. Humphries R.M., 2015). Айниқса гемоколит билан кечадиган ўткир ичак инфекциялари этиологик тузилишининг ўзгариши, бир томондан, шигеллез билан касалланишнинг камайишига, иккинчи томондан, касалликка ташхис қўйишга ёрдам берувчи янги усулларни (полимераза занжирли реакцияси) қўллаш орқали патогенлиги камдан-кам ҳолларда бактериологик текшириш орқали аниқланадиган касалликларни, хусусан вирусли касалликларни аниқлаш имконини берди (Захарова И.Н., 2011).

Мақсад. Болаларда гемоколит синдроми билан кечувчи ўткир ичак инфекциясининг этиологик таркибини ўрганиш (Андижон вилояти мисолида).

Материал ва усуллар. Тадқиқот 2022 й. октябрь – 2022 й. декабрь оралиғида Андижон вилоят юқумли касалликлар шифохонаси болалар ўткир ичак инфекциялари бўлимида ва РИЭМЮПКИАТМ ПЦР лабораториясида ўтказилган. Тадқиқот давомида 20 нафар 2 ойдан 5 ёшгача бўлган болалар текширилди. Беморлар ўткир ичак инфекциялари бўлими ва реанимация бўлимига «Ўткир диарея» ташхиси билан қабул қилинган. Болаларнинг 11 нафари ўғил болалар (55,0%) ва 9 нафари қиз болалар (45,0%) бўлди.

Ўткир ичак инфекциясининг этиологик омилини аниқлаш учун текширувлар РИЭМЮПКИАТМ ПЦР лабораториясида ўтказилди. Бунинг учун беморлардан стерил идишларга янги нажас намуналари олинган. ПЦР текшируви Rotor GeneQ–SNR0911/54 анализаторида ўтказилди. Бунда *Shigella spp.*, *Salmonella spp.*, *Campylobacter spp.*, *E. Coli* (EIEC Энтеро инвозив, ETEC Энтеро токсиген, EHEC Энтеро гемолитик, EPEC Энтеро патоген, EaggEC Энтеро адгезив штамлари) бактерияларининг, *Adenovirus*, *Rotavirus*, *Norovirus*, *Astrovirus* вирусларининг ДНК ва РНК аниқлашда Inter Lab Servis компаниясининг «AmpliSens® ЎКИ скрин-FL» тест тўпламидан фойдаланилди.

Натижалар. Тадқиқотдаги беморларда ўткир диареянинг этиологик таркибини таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатдики, гемоколит синдроми билан кечувчи диарея сабачилари 6 нафар (30,0%) беморларда бактериал этиологияга эга эканлиги аниқланди. Бунда 1 та беморда *Salmonella spp.*, 2 та беморда *Campylobacter spp.*, 3 та беморда *E. Coli* аниқланган бўлса. 8 нафар (40,0%) беморларда эса диарея сабабчи сифатида вируслар аниқланди. Бунда *Norovirus* ва *Astrovirus* 3 тадан беморларда аниқланган бўлса, 1 нафардан беморларда *Adenovirus* ва *Rotavirus* вируслари аниқланди. Текширувлар шуни кўрсатдики, айрим беморларда бир вақтнинг ўзида бир нечта қўзғатувчилар аниқланди. Яъни бактерия+вирус қўшилиб келиши 4 нафар (20,0%) беморда аниқланди: 2 нафардан (10%) беморларда эса вирус+вирус, бактерия+бактерия кўринишидаги қўзғатувчилар комбинацияси аниқланди.

Хулоса. Бизнинг тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, тадқиқот даври мобайнида текширилган беморларда ўткир диарея сабачилари сифатида монопатогенлар (бактериялар-30,0%, вируслар-40,0% аниқланиши билан бир қаторда диарея сабачилари сифатида бактериал-вирусли-20%, вирусли-вирусли-10% ва бактериал-бактериал-10% комбинациясида қўшилиб келган қўзғатувчилар ҳам аниқланди.